

Аклу жоннинг офати, дин горати,  
Хар не бор ул кўзн бирла кошдадур.  
Кетмади савдоси харгиз боштин,  
Рост айтурлар, ки «Давлат бошдадур».

\* \* \*

Тўнга сигмасмен фарахдин гул киби,  
Келса ул сарви равон бир-бир манга.  
Мунча йил кетган бу бахту давлатим,  
Шукрилиллахким, келур бир-бир манга.

\* \* \*

Бермагил дерлар вафосизга кўнгул  
Ким, анинг нўшиндин ортук неши бор.  
Узмагаймен лаълидин ўлсам умид,  
Жон менинг жоним, кишнинг неши бор.

\* \* \*

Зоти покингни кўруб айтур фалак:  
«Хусн дарёсида йўктур бўйла дур».  
Чун тишинг васфинн дурга сўзладим,  
Бошини тебрлатти дурким: «Бўйладур».

\* \* \*

Фуркатингдин бўлмишам зору заиф,  
Тенгри учун, мундин ортук килма зор.  
Чун менинг конимни тўктунг хажр ила,  
Ўз эшигинг теграсинда кил мазор.

\* \* \*

Эй карокчи кўзли дилбар, ўйла бил,  
Жон аёман сен киби жононадин.  
Хусну лутфу сурату маъни била  
Тугмагай сентек яна жон онадин.

\* \* \*

Ишкинг ўти жон уйига тушгали,  
Бир нафас хам тинмадим то ёнмадим.  
Хублар илкидин неча бўлдим кабоб,  
Мен ямон тавбамга хеч тоёнмадим.

\* \* \*

Кўрмади инсон мунунгдек нозанин,  
Кўргузур гўё малак юз, ё пари.  
Барча жон девонау шайдо килур  
Зулфи анбарбор ила юз ёпари.

\* \* \*

Сабру хушу аклу дину дил бари  
Борди-ю, колди дуочи ёлгузун.  
Ох уруб фарёд этарман сенсизин,  
Бу вужудимдин килибтур ёлгуз ун.

